O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 25 май, № 99 (3898) Пайшанба

Сўнгги қўнғироқ

Бугун барча мактабларда сўнгги қўнғироқ чалинади. Ўқувчилар таътилга чиқишади, битирувчилар эса илму ҳунар эгаллаб, элюртга наф келтиришга бел боғлашади. Миллий истиқлол ғояси асосида сабоқ олган битирувчиларнинг дилларида эзгулик жўш уриши бежиз эмас. Зеро, улар мактабларга қаратилган эътибор давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилганини яхши билишади. Бу ғамхўрликнинг амалдаги исботини ҳар бир масканда кўраётган навқирон авлоднинг дилида эса, аниқки, фақатгина яхши ниятлар туғилади.

892 минг 578 та ЭЗГУ НИЯТ

- *Айни пайтда юртимизда 9748 та мактаб бор*
- *Жорий йилда 9-синфни 626 минг 329 та ўқувчи битирмоқда*
- *11-синф шаҳодатномасини олаётганлар эса 266 минг 249 нафар*

Маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтадиларки: "Агар ота-она фарзандни дунёга келтиргани ила азиз эрса, устоз тарбияси, яъни, мактаб даври шогирдни камолотга етказиши боис алоҳида қадрлидир!" Бу фикрдан келиб чиқадиган хулоса шуки, таълим-тарбия масаласи ҳар доим муҳим бўлиб келган, аммо ҳамма замонда ҳам бу жабҳага алоҳида меҳр билан қаралмаган. Гап шундаки, мабодо шу кунларда мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ҳаракатлар ҳақида сўров ўтказилса, аниқки, бунда биз самимий изҳорларнинг шоҳиди бўлардик. Бундай самимиятнинг эса ўзига хос, бир қанча сабаблари борки, улар хусусида тўхталмасликнинг асло иложи йўқ.

Мактабим — ифтихорим! Бу каломнинг кейинги пайтларда шиорга айланаётгани бежиз эмас. Зеро, юртимиз мустақил экан, қад ростлаётган биноларимиз, таълим даргоҳларимиз, улардан бахраманд бўлаётган ёшларимиз истиқлолдек қутлуғ неъматга монанд бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Ва айни чоғда биз худди шундай мутаносибликни кўраяпмиз: юртимизнинг марказий шаҳарларидан тортиб энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий мактаблар барпо этилмоқда. Шунинг учун ҳам юқоридаги фахр туйғуси шиорга айланиб бормоқда. Қолаверса, бу мактаблар энг замонавий ўқув ускуналари, кўргазмали қуроллар, мебеллар билан жиҳозланмоқда.

Дарвоқе, **ўқув ускуналари** хусусида. Бугунги кекса ва ўрта авлод вакилларига яхши маълумки, бундан 15-20 йил илгари мактабларда замонавий компьютерлар, қулай жиҳозлар, спорт анжомларини кўриш хомҳаёл эди. Паст ва қўпол мебеллар, лаборатория хоналарида ўқув анжомларининг етишмаслиги, борларининг эса деярли амалиёт ўташ учун ярамаслиги, шукурки, кечаги кунда қолиб кетди. Энди кенг миқёсдаги ислоҳотлар "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт"лигини амалда исботлаётир. Ўз ўрнида бундай эзгулик отаоналарни, айниқса, ўқувчиларни, мактабга энди қадам ташлаётганларнинг, қалбига олам-олам қувонч олиб кирмоқда.

Бунинг самараси ўлароқ, бугун ўрта мактабни битираётган 892578 нафар ўғил-қиз ушбу ғамхўрликни дилдан англаб етганлар. Истиқлол ҳавосидан нафас олиб, Ватан мадҳиясини қадрловчи бу ёшларнинг кўнглида бир олам орзу умидлар бор. Юртга чин фарзанд бўлиб хизмат қилишни юрагига туккан ўғил-қизларнинг эзгу ниятлари амалга ошмоғи учун эса барча шарт-шароит мавжуд, имкониятлар етарли.

Келинг, Катта йўлга чиқаётган ана шу навқирон авлодга оқ йўл тилайлик!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТДА: пойтахтимиздаги Бадриддин Чочий номли 91-мактабда "Сўнгги қўнғироқ" байрами.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастури доирасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш юзасидан кўпгина ишлар қилинмоқда. Буни Бухоро шаҳрининг Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида қуриб битказилган замонавий диагностика маркази мисолида ҳам кўриш мумкин.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Бугун вилоятда 56 шифохона, 12 шошилинч тез тиббий ёрдам маркази, 327 қишлоқ врачлик пункти, 18 та хусусий поликлиника фаолият юритмоқда. Мазкур янги диагностика маркази вилоят тиббиёт тизимида алоҳида ўрин тутиш билан бирга, ушбу муассасалар ишининг сифат ва самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримов яқинда Бухоро вилоятига ташрифи чоғида мазкур диагностика марказида ҳам бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишлар, беморлар учун яратилган шарт-шароит, замонавий тиббиёт ускуналари билан яқиндан танишди. Шифокорлар билан суҳбатлашди.

— Кўпгина шифохоналарнинг қабул бўлимларида расмиятчилик устун, — дейди тиббиёт муассасаси бош врачи Шариф Ҳайитов. — Биз беморнинг кўнглини олишга, унда дардни енгиш учун ишонч уйғотишга ҳаракат қиламиз. Шифохонамизга келган ҳар бир бемор ҳақида, уларнинг касалликлари ҳақида тўлиқ маълумотлар сақланади.

— Шифокорлик — масъулиятли касб. Юртбошимиз бизнинг марказимизга келгани, иш фаолиятимиз билан танишгани масъулиятимизни янада оширади, — дейди марказ шифокори Тахмина Муҳамедова. — Давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Биз шифокорлар Президентимизнинг ғамхўрлигини ҳар доим ҳис қилиб турамиз. Суҳбат чоғида кўтарилган масалалар — бемор руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиб, кўнглини кўтариш, уларга малакали ва сифатли хизмат кўрсатиш ҳақидаги фикрларнинг ўзиёқ давлатимиз раҳбарининг тиббиёт соҳасига нечоғлик эътибор қаратаётганидан далолат беради. Ҳар биримиз беморларга мадад бўлиш, улар ишончини қозонишга ҳаракат қиламиз.

Олтмиш нафарга яқин врач ва малакали тиббиёт ҳамшираси фаолият кўрсатаётган диагностика маркази хориждан келтирилган кўплаб замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Лаборатория бўлимида 100 га яқин таҳлиллар, электр-кардиограмма хонасида 30 хил текширув амалга оширилади. Ультратовуш асбоби ёрдамида организмдаги ҳолатлар жуда аниқ баҳоланмоқда.

Айни пайтда марказда бош мия, умуртқа поғонаси, суяклар тизими, ички органлар билан боғлиқ барча хасталикларга мукаммал ташхис қўядиган компьютер томографини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Жанубий Кореядан янги, замонавий тиббиёт жиҳозлари келтирилади.

Бу ерда касалликлар олдиндан аниқланиб, беморларга амбулатория шароитида ёки шифохонада даволаниш бўйича тавсиялар берилади. Келажакда эса диагностика маркази ҳузурида стационар шифохона ҳам ташкил этиш кўзда тутилган.

Мазкур масканнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йилида иш бошлагани замирида ҳам катта маъно мужассам. Аввало унинг реконструкция ва жиҳозланиши учун вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Саломатлик" жамғармаси бир миллиард 430 миллион сўм маблағ сарфлади. Қолаверса, бу хайрли ишга бухоролик саҳоватли тадбиркорлар ва ҳомийлар ҳам ўз ҳиссасини қўшдилар.

В.ЛУҚМОНОВ,
Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Элликқалъа туманининг маркази Бўстон шаҳрида «Барча миллат аёллари ва ёшлари жиноятчилик, терроризм ва гиёҳвандликка қарши» деб номланган дўстлик форуми бўлиб ўтди.

ДЎСТЛИК ФОРУМИ

«Шу азиз Ватан барчамизники!» шиори остида ўтган тадбирда Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларида истиқомат қилаётган фаол аёллар, ишлаб чиқариш илғорлари, санъат ҳамда спорт юлдузлари, жаҳон ва олимпиада чемпионлари, жойларда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар жамоалари, меҳнат фахрийлари, ўқувчи ва талаба ёшлар қатнашдилар. Форумда Ватан, истиқлол, ёшлик ҳақидаги жозибали қўшиқлар янгради. Айниқса, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари Мирзагул Сафоева, Гулҳадича Айимбетова, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Элиза Айитниёзова, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, «Ниҳол» мукофоти соҳиби Мақсет Ўтемуратовлар ижро этган тароналар, шунингдек, барча миллий маданий марказларнинг фольклор-этнографик жамоалари дастурлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова сўзга чиқди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО

Тошкентда "Электрон рақамли имзодан фойдаланишнинг долзарб муаммолари" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади. Уни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Россиянинг Ахборот технологиялари бўйича федерал агентлиги ташкил этди.

Конференцияда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси олимлари ва мутахассислари, шу жумладан Ўзбекистон, Россия ва бошқа давлатларнинг фаолият кўрсатаётган электрон рақамли имзони (ЭРИ) рўйхатга олиш марказлари мутахассислари, Олий Мажлис, ҳукумат, вазирлик ва идоралар, вилоятлар ҳокимликлари вакиллари, тижорат банклари, молия ва кредит муассасалари, ахборот хавфсизлиги тизим ва воситалари ишлаб чиқарувчи телекоммуникация компаниялари ҳамда ахборотни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият олиб бораётган хорижий ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари иштирок этмоқда.

Анжуман қатнашчилари электрон рақамли имзо, электрон ҳужжат айланиши ва ахборотни ҳимоя қилиш воситалари соҳасидаги компания ва ташкилотларнинг махсус кўргазмалари билан танишиш имконига эга бўлди.

Анжуман иши қуйидаги гуруҳлар бўйича олиб борилмоқда: ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказларининг аҳволи ва уларнинг инфратузилмасини шакллантириш муаммолари, ЭРИни рўйхатга олиш марказлари фаолиятининг техник муаммолари, электрон ҳужжат айланишида ЭРИдан фойдаланишнинг юридик муаммолари. Шунингдек, трансчегаравий халқаро электрон алоқа муаммолари ва очиқ калитлар инфратузилмасини ривожлантириш масалалари бўйича давра суҳбати ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Конференцияда электрон рақамли имзо янги техноло-

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Немис иқтисодиётининг шарқий қўмитаси бошқаруви раиси Клаус Мангольд раҳбарлигидаги Германия Федератив Республикаси делегацияси 24 май куни Сурхондарёга ташриф буюрди.

ГЕРМАНИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР — ТЕРМИЗДА

Термиз шаҳрида германиялик меҳмонлар ҳамда вилоятдаги йирик саноат корхоналари, қўшма корхоналар, банк ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида бизнес-конференция ўтказилди.

Германия Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шерикларидан. Бу йўналишдаги ҳамкорлик икки мамлакат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувларга мос тарзда ривожланмоқда. Айни кунларда томонлар мамлакатларимизнинг ҳудудий-маъмурий бирликлари, ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Анжуманда германиялик ишбилармонлар вилоятнинг савдо-иқтисодий ва сармоявий салоҳияти билан танишдилар. Келгусида амалга ошириладиган истиқболли қўшма лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Муносиблар сайланмоқда

Бугунги кунда маҳалланинг тинч-осойишталиги, шу ерда истиқомат қилаётган кишиларнинг фаровонлиги кўп жиҳатдан маҳалла оқсоқолию унинг ўринбосарлари фаолиятига боғлиқ. Бу кишилар ҳар бир маҳалладошининг юриш-туриши, яшаш шароити, даромад манбаи, фарзандларини қандай тарбиялаётганлигидан огоҳ бўлишлари ҳамда ана шу кишиларга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан доимий кўмаклашишлари зарур.

Ширин шаҳрининг Мирзо Улуғбек номли маҳалласида салкам 3 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Яқинда ана шу маҳалла оқсоқоли, унинг маслаҳатчиларини сайлаш учун вакиллар йиғилишди. Оқсоқолликка кўп йиллар ҳалол меҳнати ва ойиладаги фарзандлари тарбияси билан кўпчиликка яхши танилган Улуғбек Тангирқулов, Шодмонқул Қурбонбоев ва Абдурахмон Хўжанбаровларнинг номзодлари кўрсатилди. Шодмонқул Қурбонбоев шаҳар марказий касалхонасининг бош врачи бўлиб ишлаётганини асос қилиб ўз номзодини қайтариб олди. Қолган икки нафар номзодни маҳаллада каттаю кичик бирдай яхши танишади. Уларнинг ҳар иккаласи фидойи, ташаббускор ва изланувчан кишилардир.

— Очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда аввал ҳам шу маҳалла оқсоқоли бўлиб ишлаган Улуғбек Тангирқулов номзоди кўпроқ овоз олди, — дейди шаҳар ҳокими ўринбосари Маҳбуба Жалолова. — Эндиликда Улуғбек Тангирқуловнинг ва шу сайловда сайланган маслаҳатчиларию комиссия аъзоларининг зиммаларида катта масъулият турибди. Ҳар бир оиланинг тинчлиги, хотиржамлиги, фаровонлиги, аввало, ана шу одамларнинг изланувчанлигига боғлиқ. Шаҳримиздаги жами 6 та маҳалланинг учтасида муносибларнинг муносиблари ана шундай шарафли вазифаларга сайланишди.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Офицерлик — қаҳрамонона касб

— Гулистон маҳалласидаги Фаррух армиядан қўмондонликнинг тавсияси билан келибди.

— У энди олий ўқув юртига имтиёз билан кирармиш...

Яхши гапнинг қаноти бўлади, дейишади. Бу хушхабар тезлик билан бутун маҳаллага ёйилди. Ҳа, бугун пойтахтимизнинг Сирғали тумани Гулистон маҳалласида яшовчи Инобат опа Мирзаеванинг қувонч бир олам. Ахир қувонмай бўладими?! Тўнғич фарзанди Ватан олдидаги йигитлик бурчини шараф билан бажариб бағрига қайтди. Яна денг қўмондонликнинг тавсияси билан.

— Ўғлим ёшлигидан спортга қизиқарди, — дейди Инобат опа. — Албатта, мактабдаги ўқиши ҳам ёмон эмасди. Тўртинчи, бешинчи синфдаёқ тумандаги «Сирғали» футбол жамоаси сафига қабул қилинди. Кейинчалик ҳарбийларнинг «Жасорат» футбол клуби сафида ўйнади. Дадаси ҳарбий соҳада хизмат қилади. Мактабни тугатиб, олий ўқув юртига ҳужжат топширишга тайёргарлик кўриб юрганда, бирдан ҳарбий хизматга бораман, деб туриб олди. Ўзи бориб танловлардан ўтиб келибди. Рози бўлиб, фотиҳа бердик. Тўғриси, бошида бироз хавотирга ҳам тушдим. Ўғлим анча ўйинқароқ ҳам эди-да. Йўқ, мен адашган эканман. Фаррух бир йил ичида анча улғайиб, мулоҳазали йигит бўлиб қайтибди. Укалари Бунёд ва Шоҳруҳлар ҳам туну кун акалари атрофида парвона.

Бундан 14 йил муқаддам ташкил топган Қуролли Кучларимиз ўтган қисқа даврда дунёда ўз нуфузи ва ўрнига эга бўлди. Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ фуқароларнинг коституциявий бурчигина эмас, шарафга айланди. Негаки, ҳар бир инсон туғилиб ўсган юртини, унинг бир кафт тупроғини ардоқлаши, ҳимоя қилиши шарт. Ота-боболарининг ана шундай ўгитлари билан камол топган юртимиз ўғлонлари Ватан ол-

Йигит ғурури

дидаги хизмат бурчларини ана шундай ифтихор, ана шундай ғурур билан ўташга тайёрдирлар.

Ҳеч кимга сир эмас, миллий армиямиз нуфузи йилдан-йилга ошиб боряпти. Бу албатта, Президентимиз томонидан Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси. Бугун муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскар энг замонавий қурол-яроғлардан фойдаланишни билади. Барча ишлар замонавий компьютерлар ёрдамида бажарилади. Қисқаси, у ўз юрти, туғилиб ўсган тупроғининг чин маънодаги ҳимоячисига айланган.

Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам ота-оналар фарзандларини хизматдан олиб қолиш учун турли баҳоналарни рўкач қилишарди. Энди эса, менинг ўғлим ҳам хизматга борсин, деб илтимос билан мудофаа бўлимларига келувчилар кўпайиб кетди. Лекин, хизматга соғлом, жисмонан бақувват, интеллектуал салоҳияти юқори йигитларгина қабул қилинади.

— Қашқадарёда ҳарбий хизматни ўтадим,— дейди Фаррух Обрўев. — Бошида армия ҳаётига кўникишим бироз қийинроқ кечди. Лекин, биринчи навбатда юртимнинг, ота-онамнинг қадрига етишни ўргандим. Кўплаб дўстлар орттирдим. Хизматдан қайтганимга унча кўп вақт ўтмаган бўлса-да, уларни соғинаяпман. Қорақалпоғистонлик Байрам Йўлдошев, Ботир Караманов, Хоразмдан Амат Йўлдошевлар билан кунора телефонда хабарлашиб турамиз. Ҳозир Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топширдим. Келажакда офицер бўлиб, юртимга хизмат қилмоқчиман.

— Яхшигина футболчи бўлган экансиз. Буёғи энди қандай бўлади, — сўрайман Фаррухдан.

— Футболни ҳам ташлаш ниятим йўқ, — дейди у. — Лекин, ҳарбий соҳада фаолият кўрсатишни мақсад қилиб қўйдим.

Фаррух билан ҳамроҳликда у таълим олган Сирғали туманидаги 131-мактабда бўлдик. Синф раҳбари Назира Жўраева билан суҳбатлашдик.

— Фаррухжон синфимиздаги энг иқтидорли ўқувчиларимдан бири эди,— дейди Назира опа. — Тўғрисўзлиги, дўстларини, устозларини доимо ҳурмат қилиши билан кўпларидан ажралиб турарди. Лекин, футболни яхши кўрарди. Узу кун майдонда тўп тепишини кўриб қойиган пайтларим ҳам бўлган. Бугун шогирдим мактабимизнинг фахрига айланди.

Юқорида айтганимиздек, бугун Инобат опа қувончининг чеки йўқ. Ўғлини қўярга жой тополмайди. Ўқишга кириб олсин, кейин тўйни ҳам бошлаб юборамиз, дейди опа. Кўз остимга олиб қўйган қизим ҳам бор.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хабарлар оқимидан

Ҳамкорлик ифодаси

Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазмалар залида Эрон Ислом Республикасининг III ихтисослашган кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси кўмагида ташкил этилган ушбу тадбир икки давлат ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кўргазмада намойиш этилган Эроннинг Арок вилоятидаги 45 та фирма ва компаниялар маҳсулотлари, технологик ва кимёвий воситалар, ситиш ускуналари, халқ истеъмол моллари, қурилиш материаллари иштирокчилар эътиборига тақдим этилди.

— Кейинги йилларда мамлакатлараро бир неча марта товар алмашинувини амалга оширдик, — деди Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Фатҳали. — Бу алоқалар дўстлик ва биродарликка, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилишга замин яратади.

Уч кун давом этадиган ихтисослашган экспозиция доирасида тадбиркорлар иштирокида бизнес-семинар ҳам ўтказилди.

Ш. БОЙМУРОДОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Амир Темур авлодлари»

Соҳибқирон Амир Темур таваллуди муносабати билан ҳар йили ҳарбий ва ҳуқуқий лицейлар ўқувчилари ўртасида «Амир Темур авлодлари» республика ҳарбийлаштирилган спорт мусобақаларини ўтказиш одатга айланиб қолди.

Ана шундай тадбир бу йил Самарқанд шаҳрида ташкил этилди. Унда Тошкент, Фарғона, Андижон, Урганч ва Самарқанд ҳарбий ва ҳуқуқий лицейларининг ўқувчилари спортнинг олтита тури бўйича беллашдилар.

Турникда тортиниш, граната улоқтириш, арқон тортиш ва ҳарбий эстафета турлари бўйича рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган майдон эгалари умумжамоа ҳисобида ғолибликни қўлга киритишди. Иккинчи ўрин Фарғона ҳуқуқ лицейига, учинчи ўрин эса Тошкент ҳарбий лицейига насиб этди.

Ғолиблар Халқ таълими вазирлигининг дипломлари, фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фармон ва ижро

Юртбошимизнинг 2004 йил май ойида "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бутун Ўзбекистон хотин-қизларини ижодий меҳнатга, ташаббускорликка, яратувчанлик фаолиятига ундадики, бу саъй-ҳаракатларнинг шарофатидан яхлит халқ, миллат ўз раҳбари атрофида яна бир маротаба жипслашди, ўзининг истиқболини теранроқ тасаввур этиш бахтига муяссар бўлди.

Маҳалла маслаҳатчиси:

ҲИСОБОТ МУҲИММИ, НАТИЖА?

Бугун мана шу ўтган икки йилнинг тарих олдидаги салмоғини баҳолаш осон иш эмас. Зеро, мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, фарзандларимизни турли хил касалликлардан асраш, оналарнинг жамият ва оиласи олдидаги масъулиятини англатиш, уларни янада эъзозлашга қаратилган қатор ҳужжатлар ҳаётга жорий этилмоқдаки, Президентимизнинг ушбу Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг Фармон ижросини таъминлашга қаратилган қарори хотин-қизларни нафақат ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни, балки ушбу жараёнларга уларнинг фаол иштирок этишларини амалда таъминлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Хўш, Фармон ижрочилари қаторида бугунги кунда фаолият кўрсатаётган ўн мингга яқин маҳаллаларимиздаги диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар маҳалла таркибига киритилиши билан халқнинг, биринчи навбатда, қишлоқларда яшаётган хотин-қизларимизнинг эҳтиёжлари қондирилдими?

Икки йил шу каби саволларга жавоб топиш учун, қисқа бўлса-да, ҳар қалай муайян давр. Бугун ғалвирни сувдан кўтарсак, дастлабки хулосалар тўғрисида фикрлаш имкони бор.

Очиғи, маҳаллаларда бўлганимизда, маслаҳатчи опалар иш фаолиятлари билан яқиндан танишганимизда бир неча хулосаларга келдик. Хусусан, маҳалла маслаҳатчилари институтининг жорий этилиши давр талаби эканлигини ҳаёт кўрсатди. Зеро, аҳоли сони ошиб боргани сари, унинг сифати учун курашадиган, турли муаммоли вазиятлардан чиқишига кўмак бера оладиган фидойи инсонларнинг ажралиб чиқиши, улар фаолиятининг жамият томонидан рағбатлантирилиб турилиши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, эр ва хотиннинг бандлиги, маълумотли, касб-ҳунарли бўлиши, фарзандларига етти маҳалланинг ота-оналик қилиши, ёш оналар ва келин-куёвларни ҳаётнинг турли сўқмоқларида қўллаб-қувватловчилар кераклиги, асаблар таранглашган шароитда салга жанжал, низо чиқариб, никоҳни барбод этишгача борган шароитларда вазминликка ундаб, оилани сақлаб қолишнинг заруратини уқтирувчи куюнчаклар — маҳалла маслаҳатчиларига бўлган эҳтиёждир. Шундай шароитларда маҳалланинг барча паст-баландини биладиган маслаҳатчи опа кўпнинг кучи, ўзининг ҳаётий тажрибаси, билимдонлиги билан маҳалладошига ёрдам бериши лозим.

Шу ўринда айтиш жоизки, маҳалла маслаҳатчилари институтининг имкониятларидан ҳамиша, ҳамма ерда ҳам тўлалигича фойдалана олинмаётир. Тўғри, кадрлар танлашда ҳамиша ҳам оқилона ва ягона тўғри хулоса чиқариш қийин. Баъзилар қизиқиш туфайли шу лавозимда ишлашга рози бўлганлар, айримлар эса халқ орасида яхши хулқи, одоби, ибратли фарзандлари туфайли номзоди кўрсатилганда эътироз билдира олмаган. Бундан ташқари, оқсоқолнинг ёки шу ҳududдаги бирор раҳбарнинг яқин кишиси, таниши бўлгани учун маслаҳатчи бўлиб қолганлари ҳам бор. Умуман, ҳамиша ҳам ўйлаган ўйимиз амалдаги ишларимизга мос келавермайди. Шу боис айрим маслаҳатчилар кўп ўтмай эгаллаб турган лавозимларини тарк этдилар.

Бугунги кунга келиб, айрим ҳудудларда Фармонда белгиланганлигига қарамай, маслаҳатчилар учун ҳанузгача алоҳида хона ва бошқа зарур шарт-шароитлар яратилмаган. Бу республика бўйича 1125 тани ташкил этади.

Айни кунларда ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар кетаётган бир паллада унинг ҳисоботини тинглаётган халқ агар раис маслаҳатчига шароит яратиб беролмаган бўлса, янгидан раисликка даъвогарнинг олдига ушбу масалани кўндаланг қўйиши ва фаолиятига шу нуқтаи назардан ҳам холис баҳо бериш имконияти бор.

Яна бир гап. Маслаҳатчилар фаолиятининг самарадорлигини, агар биз унинг ясатилган хонаси ёки чиройли қилиб тахлаб қўйган папкаларига қараб баҳо берсак, адашамиз. Қоғоз ёки ҳужжатларнинг тахтлиги яхши, лекин айрим маслаҳатчилардан "Маҳаллангиз тинчми, нима муаммолар бор?" деб сўрасангиз, дарров папкаларини кўрсатиб, уларнинг сонини санаб кетишади. Ахир бу ёзиш-чизиш, альбом ясатишлар вақтни талаб қилади-ку? Тахминан ҳисоблаб чиққанда, маҳаллада яшайдиган, бирровга уйидан чиқиб келадиган опахон кунлик "ҳисоботлари, ўтказган тадбирлари баёни", битта оилага кириб чиқиб, унинг "тафсилотларини" ёзишига тахминан 5-6 соат кетади. Агар бора-бора шунақа ёзув-чизувга ўрганиб қолсачи? Ишимнинг мазмуни шу экан, "қоғоз жойида бўлса, ҳар қандай текширувчининг олдида юзим ёруғ бўлар экан" деган хулосага келиб, идорада ўтириб қолса-чи? Айтинг, мактабда ўқитувчининг, шифохонада шифокорнинг иш сифати ва сурьатига салбий таъсир кўрсатган омиллардан бири шу расмиятчилик, қоғозбозлик эмасми? Энди маҳалланинг онаси, опасини ҳам шунга ўргатсак, уларнинг фойдасию, самарасидан ҳам айрилиб қолмаймизми? Майли, собиқ ўқитувчи ёки юқорида таъкидлаганимиз, бир умр қоғознинг ичида ишлаган опа бу ишни эплар, лекин маҳаллада обрўси, нуфузи, гапи кескирлиги ва ҳалоллиги туфайли маслаҳатчиликка қўйилган, ишлари жуда яхши, лекин ёзув-чизувга эпи йўқ опа нима қилади? Бундай опанинг иши, демак, текширувчи наздида, ёмон бўлиб чиқади. Мен Марғилонда, Қашқадарёда, пойтахтимизда айнан шундай ҳолатларнинг шахсан гувоҳи бўлдим. Бировлардан илтимос қилиб, "тахланган" папкаларни текширувчилар келиб, "уни ёзмабсиз, буни батафсил ёзмабсиз", деб айб қўйиб кетишганмиш. Менимча, маслаҳатчиликнинг тўрачиликка алоқаси йўқ. У энг аввало, маҳалла аҳли билан бевосита ишласин, унинг кўрсаткичи аҳил оилалар сони, яраштириш комиссияси ишининг маъқуллиги, маҳалла ҳудудида жиноятчиликнинг йўқлиги, адашганларнинг умуман мавжуд эмаслиги, тўю-маъракаларнинг тартибли, ихчам ўтиши, ночор оилалар сонининг камлиги, барчанинг бунёдкорона меҳнат билан юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти йўлида ҳалол меҳнатга сафарбар бўлиши лозим.

Ўтган давр мобайнида юзлаб маҳалла маслаҳатчилари билан бевосита учрашиб, мулоқотда бўлдим. Уларнинг дунёқарашлари, оилалар билан ишлаш услублари бўйича билим доираларининг муттасил кенгайиши учун ўқув курслари жорий этганлигимиз мақсадга мувофиқ бўлганлигига амин бўлдим. Айтиш лозимки, бундай малака оширишларга бўлган эҳтиёж ҳануз мавжуд. Лекин малака оширишнинг мазмуни қандай бўлиши керак, деган саволга аниқ жавоб топиб, сўнгра ўқишларни ташкил этиш лозим. Биз, яъни Республика "Оила" илмий-амалий маркази олимлари ўтган йили Навоий, Қашқадарё, Наманган каби қатор вилоятларда ҳамда Тошкент шаҳрининг барча туманларида маслаҳатчилар учун маърифий семинарлар туркумини ташкил этдик. Унда оиланинг ижтимоий-демографик муаммоларидан тортиб, никоҳнинг мустаҳкам бўлишининг мақбул оқибатлари тўғрисида ҳаётий мисоллар билан билим берилган эди. Шундан хулоса қилдикки, маслаҳатчиларга кўпроқ дунёвий илмлар ва миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиздан сабоқ бериб туриш лозим. Биз бу тажрибани имкон қадар жорий йилда ҳам давом эттирмоқдамиз.

Ҳаётимиз янада фаровон, маҳаллаларимиз тинч, фарзандларимиз тарбияли, маънавиятли, одобли бўлишлари учун амалга оширадиган ишларимиз бисёр. Айниқса, биз, аёллар ўзимизга хос зукколик, зийраклик ва фаросат билан ўз маҳалламиз, хонадонимиз, меҳнат жамоамиздаги тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлишидаги ўрнимизни сира унутмаслигимиз керак.

Васила КАРИМОВА,
Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор.

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО

(Давоми. Боши 1-бетда).

гия эканлиги таъкидланди. ЭРИни жорий этиш ва қўллаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда ҳар бир мамлакат молиявий, техник, юридик ва ижтимоий муаммоларга дуч келади. Шу боис бу галги халқаро конференциядан кўзланган мақсад ЭРИдан фойдаланишнинг энг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш ва тажриба алмашишдир.

Анжуман иштирокчилари электрон рақамли имзодан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, янги технологиянинг ривожланиш йўналишлари, ЭРИни қўллаш тизимини шакллантиришнинг энг мақбул технологик услублари, ЭРИ воситаларини стандартлаш ва сертификатлаш муаммолари, электрон ҳужжат айланишининг халқаро тизимини ривожлантириш каби масалаларни муҳокама қилмоқда.

Маруза ва чиқишларда таъкидландики, замонавий ахборот- коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши электрон ахборот алмашувига асосланган фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам берди. Ҳужжат айланишининг электрон шакли ривожлангани сари электрон рақамли имзони ишлаб чиқиш ва қўллашга эҳтиёж туғилди. ЭРИ электрон ҳужжатни тасдиқлашда ўз қўли билан қўйган имзога тенг ва бу ҳужжатга ҳуқуқий мақом бера олади.

Ўзбекистонда 2003 йилда "Электрон рақамли имзо тўғрисида", 2004 йилда эса "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" қонун қабул қилинган. Улар ЭРИни қўллаш ва электрон ҳужжат айланиши йўли билан юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги электрон рақамли имзо соҳасида давлатнинг ваколатли органи ҳисобланади. ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказлари фаолияти тартиби тўғрисида тегишли низом тасдиқланди. Ҳозирги вақтда ЭРИни қўллаш соҳасида қатор қонун ости ҳужжатлари, шу жумладан, электрон рақамли имзо технологиясидан фойдаланишнинг миллий стандартлари ишлаб чиқилмоқда.

Электрон ҳужжат айланишида ЭРИдан фойдаланиш учун биринчи қадамлар ташланди: калитларни рўйхатга олиш марказлари фаолиятини тартибга солувчи махсус орган ташкил этилди, биринчи шундай марказ пайдо бўлди ва унга сертификат берилди.

Конференцияда электрон коммуникация ва электрон ҳужжат айланиши хизмат муносабатларининг ажралмас қисмига айлангани алоҳида қайд этилди. Бугун ҳеч бир замонавий компанияни электрон канцелярия, кадрларни бошқариш тизимлари, бухгалтерия, Интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бироқ, ҳозирча ҳужжат айланишининг ахборот тизимлари, одатда, битта компания доирасида чекланган. Бунга сабаб — ахборот хавфсизлиги, турли тизимларнинг ўзаро алоқадорлиги билан боғлиқ масалаларнинг нисбатан заиф ишлаб чиқилгани ҳамда электрон ҳужжатлардан фойдаланишнинг қонунийлигини таъминлайдиган ҳуқуқий базанинг йўқлигидир.

Ахборотни ҳимоя қилиш ва электрон ҳужжатларнинг юридик аҳамиятини таъминлаш масалалари электрон шаклда молиявий фаолиятни амалга оширишда, айниқса, Интернет тармоғидан фойдаланганда бирламчи аҳамият касб этади.

ЭРИни қўллаш доираси анча кенг: электрон савдо тизимлари, бюджетни бошқариш, телемедицина, туризм, патент соҳаси, бухгалтерия, тўлов тизимлари, логистика ва транспорт, ички ва ташқи ёзишмалар. Бу борада қанча вақт ва маблағ тежалишини эса айтмаса ҳам бўлади. Албатта, бу ўринда ахборот тегишли равишда муҳофаза қилиниши керак.

Анжуманда сўзга чиққанлар ҳар қандай лойиҳа учун зарур ҳуқуқий база, технологик имкониятлар (ривожланган инфратузилма, яхши ускуналар ва дастурий таъминот) ҳамда электрон технологияларнинг хавфсизлиги каби шартлар муҳимлигини таъкидладилар. ЭРИнинг фойдали экани равшан, унинг келажаги бор. Конференция қатнашчилари тасдиқловчи марказлар иш тажрибаси, ЭРИни қўллаш амалиёти ҳақида сўзлаб бердилар. Бугун очиқ калитларнинг миллий инфратузилмасидан — трансчегаравий халқаро электрон ҳамкорлик сари янги истиқбол пайдо бўлмоқда.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНГАЧ...

Мамлакатимизда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани боис, қишлоқ хўжалигида бир қатор ижобий ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бундай муваффақиятларни Пахтаобод туманида ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун, "Маданият" қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Маҳаммаджон Абдулазизов ишни атиги 2 бош қорамол парвариш қилишдан бошлаганди. Яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдалангани учун, чорвадор бугун 25 бош қорамолга эгалик қилмоқда. У ҳар ойда 1,5 тонна сифатли гўшт топшириб, мўмай даромад олаётир.

СУРАТДА: Маҳаммаджон Абдулазизов (ўртада) ишчилар Абдумўмин Тўйчиев ҳамда Анорахон Тўйчиевалар билан бирга.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Жиноят жазосиз қолмайди

ТЕРГОВЧИ ЎЗИДАН КЕТСА...

Беморни асл ҳолатига қайтариш тажрибали шифокорларимизни кўп ҳам ташвишга солмаслиги мумкин. Лекин ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасида масъул лавозимда ишлаб турган ходим ўзидан кетиб, бу мансаб унга нима учун берилганлигини унутса-чи? У ҳолда бу шахс, ўз ҳаёти у ёқда турсин, атрофидаги фуқаролар учун ҳам бало бўлади. Бу оғир дардни виждон хасталиги, деб атаса ҳам бўлади. Афсуски, уни даволашга замонавий медицина ожиз. Олтиариқ туман прокуратурасида терговчи бўлиб ишлаб келган Иқбол Шамсиддинов ана шундай аянчли дардга чалинган экан.

И.Шамсиддинов 2004 йилда туман прокуратураси терговчиси лавозимига тайинланиб, эндигина иш бошлаган вақтларда мулойимгина йигитча эди. Афсуски, Иқбол зиммасидаги катта масъулиятни ҳис эта олмади. Ўзига нисбатан кўрсатилаётган ҳурмат-эътибордан боши айланиб қолди, ҳаволаниб кетди. Айниқса, жиноят иши бўйича ўтаётган фуқаролар, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларига нисбатан беписанд муносабатда бўла бошлади.

Ана шундай кунларнинг бирида у Шавкат Тўхлиевни қабулига чақирди. У илгари тумандаги "Каромат" масъулияти чекланган жамиятининг раиси бўлиб ишлаган. Ушбу ташкилотда ўтказилган текшириш натижасида оҳак цехи устаси Р.Шокиров жамиятга тегишли 2 миллион сўмликдан зиёд мулкни талон-торож қилгани аниқланиб, жиноят иши қўзғатилган эди.

2005 йил 13 июнь куни Шамсиддинов Тўхлиевни ана шу жиноят иши бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилиб, 2002 йил сентябрь ойида ташкилот омборидан олган 161 минг сўмлик бўз этак ва иш ҳақи ҳисобидан олинган 20 минг сўм пул унинг зиммасида турганлигини билдириб, ушбу камомадни тўлаб қўйиши зарурлигини айтади. Тўхлиев терговчининг бу қонуний эътирозини тўғри қабул қилди ва орадан бир кун ўтиб-ўтмай зиммасидаги қарзни МЧЖга қайтарди, бу ҳақдаги ҳужжатни терговчига тақдим этди.

Буни совуққонлик билан қабул қилган терговчи Тўхлиевга осонликча қутулиб кетолмаслиги, унга нисбатан "Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш" деган айблов эълон қилиб, ишни судга оширишини айтди. Ҳозирда Фарғона шаҳар ҳокимлигида масъул лавозимда ишлаб турган бир пайтда аввалги ишлаган ташкилотидаги фаолияти бўйича судма-суд юриш Тўхлиевга маъқул эмас эди. Устига-устак йўл қўйилган камомадни тўла қоплаган бўлса... Ўйланиб қолган Шавкатни зимдан кузатиб турган терговчи уни ўз измига киради, деб ўйлади. Шундан кейин у ишни "тинчитиш" учун Тўхлиев 3 минг АҚШ доллари келтириб бериши зарурлигини айтди.

Терговчига "хўп" деб, прокуратура биносидан чиққан Ш.Тўхлиев анчагача ўзига келолмай юрди. Бўлиб ўтган воқеаларни обдон ўйлаб кўрди. Порани олиш ҳам, бериш ҳам бирдек жиноят саналади. Бундан ташқари, нега энди айби йўқ бўлиб пора берсин...

Ҳаммасини бирма-бир мулоҳаза қилиб кўрган Шавкат мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш йўлига тушиб олган терговчи И.Шамсиддиновга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, МХХ Фарғона вилояти бошқармаси қабулхонасига ариза билан мурожаат этди.

Ш. Тўхлиевнинг аризасини ўрганиб чиқиб, ўзи билан суҳбатлашган масъул ходимлар масаланинг мазмун-моҳиятига тезда тушунишди. Бошқарманинг тажрибали тезкор ходимларидан иборат махсус гуруҳ таъмагир терговчини жиноят устида қўлга олиш чораларини ишлаб чиқди. Терговчига бериш учун мўлжалланган 3 минг АҚШ доллари холислар иштирокида махсус кукун билан ишловдан чиқарилди.

2005 йилнинг 16 июнь куни терговчи И.Шамсиддинов ўз хизмат хонасида пора олганлиги учун МХХ вилоят бошқармасининг тезкор гуруҳи томонидан қўлга олинди. Лекин шуниси қизиқки, пора сифатида берилган пул қаёққадир ғойиб бўлган эди.

Сўраб-суриштириш натижасида терговчи кабинетга тезкор гуруҳ аъзолари етиб келгунга қадар ўтган қисқа муддат ичида фақатгина бир киши кириб-чиққанлиги аён бўлди. У ҳам бўлса, терговчининг таниши – туман ҳокимлиги қошидаги ижтимоий кўникма маркази раҳбари Мақсуд Маҳмудов экан. Лекин у ҳеч қандай пулни кўрмагани, қўлига олмаганлигини такрор-такрор айтди. Мақсуднинг поймапой гаплари, ўзини бесаранжом тутиши унга нисбатан шубҳани кучайтирди. Лекин «касали»ни қанча яширгани билан иситмаси барибир ошкор қилиб қўйди. Эксперт текшируви М.Маҳмудовнинг қўлларида махсус кукун борлигини кўрсатди.

Ҳар қандай важ-карсон энди ортиқча эканлигига кўзи етган Мақсуд 3 минг доллар пулни терговчининг хонасидан олиб чиқиб, яшириб қўйганлигини бўйнига олди. Пулни қаерга яшириб келганлигини ҳам холислар иштирокида кўрсатиб берди. Ҳақиқатан ҳам, 3 минг доллар пул прокуратура ҳовлисидаги ошхонанинг газ плитаси ичидан топилди.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди И.Шамсиддинов, М.Маҳмудовларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши материалларини кўриб чиқди. Суд ҳукмига кўра, айбсиз кишини жавобгарликка тортиб, масъул мансабдор шахс бўла туриб, жуда кўп миқдорда пора олганлиги учун И.Шамсиддинов 10 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. М. Маҳмудов эса содир этилган оғир жиноят ҳақида хабар бермай, уни яширганлиги учун айбли, деб топилди ва унга нисбатан иш ҳақининг 20 фоизини ушлаб қолиш билан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси белгиланди.

Прокуратура ходимлари жамиятимизнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаб, ҳалол-пок инсонлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келадилар. Шу боис ҳам халқимизнинг бу масъул соҳа хизматчиларига нисбатан ихлоси зўр, ҳурмати баланд. Ҳуқуқшунос бўлиш ниятида юрган йигит-қизлар ҳам сон-саноқсиз. Шундай экан, бу шарафли касб эгалари орасида ўзининг кимлиги, нима учун бу лавозим ишониб топширилгани, хизмат бурчи нимадан иборат эканлигини унутиб қўйган кимсаларга асло ўрин бўлмаслиги керак.

Д. ЮСУПОВ.

Инсон ҳуқуқлари доимий эътиборда

Пойтахтимизда «Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни назорат қилишни ташкиллаштириш доирасида жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш» мавзуида икки кунлик семинар бўлиб ўтди.

Анжуман Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси (ИИВ ЖИЭББ) ҳамда Конрад Аденауэр фонди ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Семинарда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова ва бошқа иштирокчилар мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида изчиллик билан олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани ҳақида сўз юритдилар. Шунингдек, анжуманда жазони ўтаётган шахсларни тарбиялаш ва уларни жамиятга қайтариш билан боғлиқ масалаларга алоҳида урғу берилди.

Тадбир доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган халқаро меъёрлар нуқтаи назаридан жазони ижро этиш муассасалари фаолиятига парламент назоратини жорий этиш шароитлари ва хусусиятлари, Ўзбекистонда жиноий-ижроия қонунчилиги ва жазони ижро этишни индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришни халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида янада эркинлаштириш ҳамда ижро тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш истиқболларига бағишланган маърузалар тингланди.

Салим ДОНИЁРОВ.

«Қудратимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда»

деб номланган дўстлик фестивали Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 15 йиллигига бағишланди.

Андижон вилояти корейс маданият маркази ташаббуси билан Бўз туманидаги 26-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва педагогика коллежида миллатлараро дўстлик, қардошликка бағишлаб ташкил этилган мазкур тадбирда Ватан, тинчлик, ҳамжиҳатлик, муҳаббатни улуғловчи шеър ва қўшиқлар янгради. Корейс ва ўзбек рақслари ижро этилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Денгиз сатҳидан 360 метр баландликда жойлашган "Турон" санаторийси бамисоли улкан ўрмонзорни эслатади. Унинг 9 гектарли ҳудудида беш мингдан зиёд дарахт, ўттиз турдан зиёд анвойи гуллар мавжуд. Кўкка бўй чўзган салобатли дов-дарахтлар остида арғамчилар, суҳбатлашиш, дам олиш учун махсус майдончалар қурилган. Гулзорда товланиб, ўзини кўз-кўз қилаётган товусларнинг юриши эътиборингизни тортади.

СЎЛИМ ГЎША ТАРОВАТИ

Кардиология бўлимига кирганимизда очиғи, бу ерда дам олувчилар учун яратилган қулайликлар ҳавасимизни келтирди. Умри давомида бир қанча сиҳатгоҳларда бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими Мансур Алиев ҳар йили шу масканда дам олиши сабабларини айтиб берди.

— Бизни икки йилдан буён 2-кардиология бўлими мудири, қўли енгил шифокор Зоҳида Султонова даволайди, — дейди М. Алиев. — У киши ҳар бир дам олувчини худди минг йиллик қадрдонлардек кутиб олади. Дастлаб ташхис қўяди, зарур бўлганида бошқа ҳамкасблари билан маслаҳатлашади. Энг муҳими, бу ерда ширинсуханлик, юксак муомала маданиятининг шаклланганидир. Ширин муомала ҳар қандай кишининг кайфиятини кўтаради, соғломлашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Дарҳақиқат, санаторийда кардиология, неврология, гинекология, андрология ва кардиология-реабилитация бўлимларида юқори малакали шифокорлар меҳнат қилишади. Шунингдек, дам олувчиларга гастроэнтрология, стоматология, психотерапия ва даволашжисмоний тарбия йўналишларида ҳам малакали хизмат кўрсатилади. Бу ердаги диагностика-даволаш бўлимининг асосини табиий омиллар ташкил этади. Булар шифобахш хусусиятга эга бўлган минерал ва радони сувларидир. Улардан бир неча хил ванналар, турли душлар воситасида фойдаланган ҳолда ичак, ошқозон ва жигар, ўт йўллари ювилади. Бунинг учун махсус хоналар ва замонавий тиббий ускуналар мавжуд.

Реабилитация бўлимида ўткир инфаркт бўлган беморларга юракни ишлаш қобилиятини қайта тиклаш муолажалари ўтказилади. Бўлимга малакали шифокор, ўз касбининг фидойиси Карим Мансуров раҳбарлик қилади. Тиббиёт фанлари номзоди, жисмоний тарбия шифокори Наргиза Шоҳидоятова ва методист Зулфияхонларнинг хизматлари ҳам эътиборга молик.

Сиҳатгоҳ бир вақтнинг ўзида 252 кишига хизмат кўрсата олади. Ўтган йил давомида бу ерда 6917 нафар киши хордиқ олиб, саломатлигини тиклаган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида дам олувчиларнинг сони 1873 нафарни ташкил этди.

Бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Дилдора Аблиямитова, шифокорлар Муҳаббат Носирова, Дилрабо Долимова, бош ҳамшира Татьяна Цишнатий, шунингдек, Ш. Жалилова, Г. Гуломова, Р. Исроилов, Д. Мадраҳимова ва бошқаларнинг хизматларидан дам олувчилар мамнун.

— Ўн икки кунда беш маротаба концерт ташкил этилди, — дейди суҳбатни давом эттириб Мансур ака. — "Қаҳқаҳа" гуруҳи қизиқчилари, сўз устаси Валижон Шамшиевнинг чиқишлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Султонпошша Ўдаева ва Азамат Шариповларнинг дилтортар қўшиқлари, ёш истеъдод соҳиблари ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар биз сингари дам олувчиларга завқу шавқ ва мароқ бағишлади.

Бош шифокор Абдувакил Ғозиев бошқараётган сиҳатгоҳ жамоаси "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да хайрли ишга қўл урган. Санаторий жойлашган маҳалла аҳлига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш — кишиларни тиббий кўрикдан ўтказиб, ташхис қўйиш, биринчи ёрдам кўрсатиш сингари савобли ишни адо этишмоқда. Шунингдек, сиҳатгоҳ ходимлари ҳам шу ернинг ўзида бепул даволаниш имкониятига эгадирлар.

Н. АСЛОН.

Тест синовлари олдидан сайил

Пойтахтимиздаги Бобур номли истироҳат боғида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгашининг "Абитуриент — 2006" лойиҳаси доирасида абитуриентлар сайили ўтказилди.

Тадбир шаҳримиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ҳамда коллежларни тугатаётган ўқувчи-талабаларни қўллаб-қувватлаш, уларни олий таълим муассасалари фаолияти билан таништириш ҳамда касбга йўналтириш мақсадида ташкил этилди.

Маълумотларга кўра, 2006 йилда Тошкент шаҳридаги абитуриентлар сони 11 мингдан ошади. Уларнинг қизиқишлари ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур лойиҳа доирасида ҳар ойнинг биринчи ва учинчи чоршанбасида олий ўқув юртларида "Очиқ эшиклар куни" тадбири ўтказилмоқда. Бундан ташқари, пойтахт "Камолот"-ининг интернетдаги **WWW.tk.uz** сайтининг "Абитуриент-2006" саҳифасида Тошкентдаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳақида маълумотлар тўлиқ келтирилган.

Сайилда иштирок этган олий ўқув юртлари талабалари абитуриентларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда уларга ўзлари ўқиётган институтлар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Дилором АБДУЛЛАЕВА.

МТС

UZDUNROBITA first cellular

SUPER

ТАРИФ РЕЖАСИ

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА АЛОҚА

$0.04 (1 дақиқа учун)

ТАРМОҚ ИЧИДА ЧИҚУВЧИ АЛОҚА

$0.02 (1 дақиқа учун)

ТАРМОҚ ИЧИДА КИРУВЧИ АЛОҚА

БЕПУЛ

СУПЕРМУЛОҚОТ УЧУН СУПЕРТАКЛИФ!

Батафсил маълумот www.uzdunrobita.uz сайтида.
wap.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензияланган

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Хомашё, материаллар харид қилинадиган ва тайёр маҳсулотлар сотиладиган бозорлар, шунингдек, тўқимачилик тармоғи маркетинги бўйича малакали менежерлар ва мутахассисларни (камида 3 йиллик меҳнат стажига эга бўлган) танлов асосида ҳамкорликка таклиф этади.

Орипов Жасур
Телефон: 134-45-19, ички 26-36.
E-mail: jaripov@central.nbu.com
www.nbu.com

ISO 9001

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

«Management Consulting» компанияси ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22000) халқаро стандартлар талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ихтисослашган.

Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Тел. /факс: (+99871) 132-12-55, 132-20-83, 154-66-98, 136-14-09.
E-mail: info.mc@mail.ru
Web-site: www.mc.uz

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК;
- «Муборакнефтгаз» УШК;
- «Vinlad» ИИК;
- «Rubicon Wireless Communication» ҚК;
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ;
- «ЎзДонгВон КО» ҚК;
- «Жанубгазқурилиш» ОТХЖ;
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОТХЖ;
- «AGRIHIM» ҚК.

Тугатилаётган «ТЕХТАЪМИНОТ» ОАЖ қуйидаги товар-моддий бойликларни сотади:
- халқ истеъмоли моллари;
- электротехника буюмлари;
- сантехника буюмлари;
- тоғ-шахта ускуналари ва бутловчи қисмлар;
- қишлоқ хўжалиги техникаси бутловчи қисмлари.

Мулоқот учун телефонлар: 8-266-2-31-21, 382-89-14, 144-38-28, 23-22-70.

WCG WCG 2006 Uzbekistan Preliminary SAMSUNG

Kompyuter o'yinlari bo'yicha 2006 yil -WCG 2006 Uzbekistan Preliminary uchun saralash turniri O'zbekiston chempionatining o'tkazilish TARTIBI
- 15 maydan 27 may kunlariga qadar chempionat o'yinlari o'tkaziladigan klublar ro'yxatga olinadi.
- 27-28 may kunlari - Buxoroda saralash turnirlari
- 3-4 iyun kunlari - Samarqandda saralash turnirlari
- 10-11 iyun kunlari - Qarshida saralash turnirlari
- 17- 18 iyun kunlari - Namanganda saralash turnirlari
- 22- 28 iyun kunlari - Toshkentda saralash turnirlari
- 30 iyun kuni - WCG 2006 Uzbekistan Preliminary Chempionatining milliy finali, 1 iyul kuni- taqdirlash marosimi
- 2006 yil 18-22 oktabr kunlarida Jahon chempionati finali - Grand Final WCG 2006 World Cyber Games Monsa (Italiya) shahrida o'tkaziladi.

WCG 2005 Uzbekistan Preliminary rasmiy o'yinlari:
WarCraft® III: Frozen Throne - 1993 yil 18 oktabrgacha tug'ilgan o'yinchilar
StarCraft®: Brood War™ - 1993 yil 18 oktabrgacha tug'ilgan o'yinchilar
Half-Life™: Counter-Strike 1.6 - 1989 yil 18 oktabrgacha tug'ilgan o'yinchilar
Need for Speed 2: Underground-yosh cheklanmagan.

CHEMPIONAT KLUBLARI

27-28 may kunlari - Buxoro
Game Zone Klubi
Manzil: 6-mikrorayon, Farog'i ko'chasi, 30-uy yonida
tel. (8-365) 222-14-72

3-4 iyun - kunlari - Samarqand
NEO Klubi
Manzil: Mirzo Ulug'bek ko'chasi, 34
Tel. (3662) 33-42-40

10-11 iyun kunlari - Qarshi
"Shuxrat aka" klubi
Manzil: 4 mikrorayon, 10 - uy, 2- qavat, "Sarbon" qiziqarli o'yinlar markazi
Tel. (375) 275-14-71

17 - 18 iyun - Namangan
O_2 klubi
Navoiy ko'chasi, 3-uy, mo'ljal - "Sardoba" bozori.
Tel. (369) 2320751

22 - 28 iyun kunlari - Toshkent
Magic Touch klubi
WarCraft® III: Frozen Throne
Manzil: Kosmonavtlar shoh ko'chasi, 29-a uy. Tel. 175-12-36
Digital klubi
StarCraft®: Brood War™
Amir Temur ko'chasi, 2-daha, 7-uy. Tel. 107-15-58
Elite klubi
StarCraft®: Brood War™
Manzil: Amir Temur ko'chasi, 1 (Amir Temur muzeyida)
Tel. 132-02-07
Prime Time
Need for Speed: Most Wanted
Kunaev ko'chasi, 27/11 (mo'ljal: sobiq "Rossiya" mehmonxonasi)
tel. 152-10-89
TransNet
Half-Life™; Counter-Strike 1.6
Manzil: Amir Temur ko'chasi, 2-a uy, "E" bloki. Tel. 134-99-25

Qo'shimcha axborotlarni www.wcg.uz saytidan olish mumkin

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари диққатига!

«ROMIKON SERVIS» МЧЖ («MARXABO» АЖ)

МУЗЛАТГИЧЛАР, КИР ЮВИШ ВА ТИКУВ МАШИНАЛАРИ, СОАТЛАР ҲАМДА ЧАНГЮТГИЧЛАРНИ ТАЪМИРЛАШГА ЎРГАТИШ УЧУН ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ўқиш — пуллик, ўқиш муддати — 6 ой.

Телефон: 125-10-51. Ўқиш тугаганидан сўнг меҳнат дафтарчаси берилади.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэксковаторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Барча автотехникалар учун кафолат берилади.

Лизингга ҳам!

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Товар сертификатланган.

АТ «Пахта Банк» томонидан сотиладиган қимматли қоғозлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Қимматли қоғоз тури: эгаси ёзилган оддий нақдсиз акция
Эмитентнинг номи: «Қувасойцемент» Акциядорлик жамияти
Қимматли қоғозларни сотиш нархи: бир дона акция учун 16,4 АҚШ доллари

ШПАТЛЕВКА

OLIY SIFATLI

Юқори навли Қалбакилардан сақланинг

Улгуржи харидорларга ЧЕГИРМАЛАР!

AzKO

(8-371) 367-93-37
(8-371) 367-67-38

Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» к., 1б. Мўлжал «Ўзбекфильм» к.с.

Tsh 64-0515991-01-2002

10

«Ўзбектелеком» АКнинг «ТошТТС» филиали

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб IP телефония халқаро ва шаҳарлараро телефон карточкаларини сотиш учун дилерларни ҳамкорликка таклиф қилади.

Йиғилиш жорий йилнинг 29 май куни соат 14.00да Тошкент ш., Навоий к., 28-уйда ўтказилади. Барча саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилиш мумкин: 138-14-49, 138-11-60.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

Ёзги оромгоҳлар мавсумга тайёрми?

Ўқувчилар орзиқиб кутган ёзги таътил ҳам яқинлашиб қолди. Бугун барча ота-оналар болаларининг таътилни қандай ўтказишини ўйлаётганлиги табиий. Негаки, фарзанд камолида таълим-тарбия билан бир қаторда мазмунли ҳордиқ чиқариш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган йили мамлакатимизда 240 минг 181 нафар ўғил-қизни 724 оромгоҳ ўз бағрига олган эди. Жумладан, 238 та шаҳардан ташқари, 24 та санаторий туридаги, 456 та мактаблар қошидаги, тўртта спорт-соғломлаштириш ва «Меҳнат-роҳат» оромгоҳлари фаолият юритди. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчилари оромгоҳларга тўлиқ жалб этилди. Ошхона жиҳозлари, спорт анжомлари ва бошқа инвентарлар янгиланиб, кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилган эди.

Болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида бу йилги мавсум икки йўналишда ташкил этилади. Биринчиси, ўқувчиларни ёзги оромгоҳларга жалб этиш бўлса, иккинчиси, оромгоҳларга жалб этилмаган болалар ўртасида маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказишдир.

Бу борада Халқ таълими вазирлиги, республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ички ишлар вазирлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда олиб бораётган чора-тадбирлар эътиборга молик.

Бу галги мавсумга жами 576 та оромгоҳ ҳозирланди. Жумладан, 270 та дам олиш маскани шаҳардан ташқари ва санаторий тартибда фаолият юритади. Турли сабабларга кўра уйидан узоқ муддатга кетиши мумкин бўлмаган болалар учун эса мактаб, лицей ва коллежларда кунлик оромгоҳлар ташкил этилади. Уларда етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган 226 минг 530 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқариши режалаштирилмоқда.

— "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида барча вилоятлардаги оромгоҳларда Оролбўйи минтақасидан олти мингга яқин болалар дам олишади, — дейди Халқ таълими вазирлиги масъул ходими Шерзод Аҳматов. — Меҳрибонлик уйларининг 3162 нафар тарбияланувчилари соғломлаштириш оромгоҳларига бепул жалб этиладилар. Туман халқ таълими бўлимлари ҳамда жойлардаги соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан тарбиячилар, ҳамширалар, шифокорлар ва бошқа масъул ходимлар саралананади. Ҳар бир оромгоҳда тиббий пунктлар фаолияти йўлга қўйилади. Шунингдек, дам олиш масканларининг санитария-гигиена ҳолати, хавфсизлиги ва бошқа шароитлари ҳам талаб даражасида.

Шу ўринда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг саъй-ҳаракатларини ҳам таъкидлаш жоиз. Жамғарма оромгоҳларга жалб этилмаган болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида "Ёзги таътил — 2006" спорт мусобақаларини ташкил этади. Унга кўра, таътил мобайнида умумтаълим мактаблари ва маҳалла болалари ўртасида спортнинг 15 тури бўйича мусобақалар ўтказилади. Бу тадбирлар уч босқичдан иборат бўлиб, июнь ойида маҳаллалар, июлда туманлар ва август ойида вилоятлар миқёсида бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Хуллас, ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Ёш авлодга бўлган ғамхўрликнинг узвий қисми сифатида уларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам барча имкониятлар яратилади. Бундай эътибордан баҳраманд болалар қалбида эртанги кунга ишонч ва улуғ мақсадлар уйғониши шубҳасиз.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Спорт

Гўзалнинг навбатдаги олтини

Бангкокда енгил атлетика бўйича «Гран При Осиё» халқаро турнирининг биринчи босқичи якунланди. Унда сўнгги Осиё чемпионати ва ўйинларида кучли саккизликка кирган спортчилар ўз омадларини синаб кўрдилар.

Турнирда ҳамюртларимиздан Гўзал Хуббиева 200 метрга югуришда шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Замира Амирова 800 метрга югуришда кумуш медаль билан тақдирланди. Найза улоқтириш мусобақасида 70 метр 37 см натижага эришган Ринат Тарзуманов бронза медалини қўлга киритди. Мазкур халқаро турнирнинг иккинчи ва учинчи босқичи Ҳиндистонда ўтказилади.

Енгил атлетикага оид яна бир янгилик. Парижда ниҳоясига етган «А» сериясига кирувчи халқаро турнирда ўзбекистонлик Анастасия Журавлева уч ҳатлаб сакрашда кумуш медаль совриндори бўлди.

«ПАХТАКОР» 50 ЁШДА

САРДОРИ СЕНСАН!

Бир гуруҳ тўпори қишлоқ болалари ёшлигимизда Биродар Абдураимов, Геннадий Красницкийларга тақлид қилиб кўча чангитиб тўп тепганимиз ҳеч ёдимдан чиқмайди. Чунки, биз улар томонидан амалга оширилган ажойиб финтлар, чиройли тўп оширишларни телевизор орқали кузатиб футбол оламининг сеҳрли дунёсига ошно тутинганмиз. Бугун ўша таниқли футболчиларни тайёрлаб берган «Пахтакор» жамоамиз ўзининг 50 йиллик юбилейини нишонлаяпти.

1956 йили ташкил топган «Пахтакор» клуби тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳам қувончли, ҳам аламли кунлар ёдга тушади. У ўзининг илк расмий учрашувини 1956 йилнинг 8 апрелида собиқ иттифоқ чемпионати «Б» классида Молотов шаҳрининг жамоаси (ҳозир Пермь ш.)га қарши ўтказиб зафар қучганди. Ўшанда ягона тўпни Лазиз Мақсудов ўн бир метрлик жарима тўпидан киритган. Шуни таъкидлаш лозимки, жамоа уч ойда оёққа турди. 1957 йилги мавсумни «Пахтакор» Москванинг «Торпедо» жамоасидан таклиф этилган мураббий Ю. Ходотов раҳбарлигида бошлади. 1958 йилда футболимиз тарихида ёркин из қолдирган Геннадий Красницкий «Пахтакор»да дебют ўйинини ўтказди. Шу мавсум энг ҳужумкор жамоалардан бири сифатида танилди. 1958-1959 йилларда турнир жадвалида тўртинчи ўрин қўлга киритилди. Собиқ иттифоқ кубогининг чорак финалида Москванинг «Динамо» клубига қарши муносиб ўйин намойиш этган футболчиларимиз 1959 йилнинг охирларида тажриба сифатида собиқ иттифоқнинг бошқа вакиллари қатори олий лигага қабул қилинди. Красницкий-Стадник жуфтлигининг ажойиб ҳужумлари, дарвозабон Пшеничниковнинг маҳорати тез орада жамоани элга танитди. Номдор клублар ҳам «Пахтакор»дан ҳайиқиб майдонга тушадиган бўлишди.

1962 йили жамоа олий лигада олтинчи ўринни эгаллади. 1972 йил жамоада авлодлар алмашинуви юз берди. Таркибга Владимир Фёдоров, Михаил Ан, Биродар Абдураимов сингари тажрибали футболчилар жалб этилди.

Европа бўйлаб сафарга чиқиб, кўплаб номдор жамоалар устидан зафар қучган Уругвайнинг «Насьонал» клуби Тошкентда «Пахтакор»га имкониятни бой берганлигини кўпчилик яхши билади. Ёки Киевнинг «Динамо» ва бошқа номдор клубларнинг мағлуб этилишини бир эсланг.

Ўзбекистонлик футбол мухлислари 1979 йилни кўзда ёш билан хотирлашади. Эндигина оёққа туриб олган, ўз даврининг манаман деган жамоаларидан заррача ҳам чўчимасдан майдонга туша оладиган, ўз таркибидан Олимпиада ўйинлари совриндорлари, ёшлар ўртасида Европа чемпионлари тайёрлаб берган "Пахтакор" авиация ҳалокатининг қурбонига айланди.

Идгай Тазетдинов, Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Юрий Загуменных, Виктор Чуркин, Владимир Макаров, Олим Аширов ва Александр Корченов, Сергей Покатилов, Равил Агишев, Николай Куликов, Константин Баканов, Шуҳрат Эшбўтаев, Владимир Собиров, Сирожиддин Бозоровларни футбол мухлислари чуқур қайғу билан эслашади.

Таниқли футболчилар Азамат Абдураимов, Миржалол Қосимов, Андрей Пятницкий, Валерий Кечиновлар ҳам «Пахтакор» футбол мактаби тарбияланувчилари ҳисобланишади.

«Пахтакор» мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин футболимизнинг байроқдори сифатида мухлислар эътирофини қозонди. Олти марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Осиё чемпионлар лигасида икки марта ярим финалгача етиб борди. Севимли жамоамиз ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан бугун ўз майдонида Москванинг «Торпедо» жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказади. Ишонамизки, «Пахтакор» ўзининг чиройли ўйинлари билан мухлислар ишончини оқлашда давом этади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДСҚ матбуот хизмати хабар қилади

Мойжувоз тўхтатилди

Сурхондарё вилояти Узун тумани ДСИга берилган хабар текширув пайтида ўз тасдиғини топди. Ҳақиқатан ҳам, Б. Омонов номли хўжаликда истиқомат қилувчи Баҳриддин Мелибоев электр қувватини ўғирлаб, қўлбола усулда пахта ёғи тайёрлаб сотаётган экан.

Текширув куни унинг хонадонидан 1225 килограмм пахта чигити, 57 килограмм кунжара, маълум миқдорда ёғсимон суюқлик, мойжувоз ускунаси, 6 метр узунликдаги электр кабель ва бошқа мосламалар далилий ашё сифатида олинди. Айни пайтда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Боши берк кўча

Қорақалпоғистон Республикаси солиқ хизмати ходимларининг ҳушёрлиги боис мамлакатимизга айланма йўллар орқали олиб кирилган 43,2 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. Ҳуқуқбузарлардан бири Амударё тумани Ўртақалъа овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Т. Сапарбоева бўлиб чиқди. У чет элларда ишлаб чиқарилган ҳужжатсиз 5,9 миллион сўмлик 16 дона мусиқа маркази ва 8 дона турли русумдаги телевизорни устама нархларда сотиш учун олиб келаётган экан. Лекин ниятига етолмади.

Кўнгиротлик К. Жўлдасева эса салкам 1 миллион сўмлик ҳужжатсиз, сифат сертификатисиз 29 турдаги хўжалик молларини туман деҳқон бозорида сотаётган вақтида савдоси тўхтатилди.

Кейинги ойларда 95 та шундай ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, тегишли жазо чоралари кўрилди, 55 та цех фаолиятига чек қўйилди.

Эгрилик фош бўлди

Тошкент шаҳар Усмон Носир кўчасида жойлашган, хусусий тадбиркор М. Сатторовага қарашли дўконда ўтказилган қисқа муддатли текширишда бир-бирига ўхшаш талай ҳуқуқбузарликлар юзага қалқиб чиқди.

Дастлаб, М. Сатторова 72 минг сўмлик харид учун чек уриб бермагани, кунлик ҳисобот бўйича 149 минг 600 сўмни НКМ хотирасига киритмагани аниқланди. Бундан ташқари, ҳужжатсиз 155 турдаги 235 дона 15549 минг сўмлик кийим-кечак савдога қўйилган экан. Уларнинг ҳаммаси далилий ашё сифатида олиниб, М. Сатторовага нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

ҚУЙИДАГИ КИМЁВИЙ РЕАГЕНТИНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН 03/06-СОНЛИ ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЦИКЛОГЕКСАН ГОСТ 14198-78 (ОЛИЙ НАВ) — 800 ТОННА.

Тендер муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Шўртан газ-кимё мажмуаси, 731300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қишлоғи. Тел.: (998 75) 221-15-64. Факс: (998 75) 221-09-04. Электрон почта: shghk@uzpak.uz

«ҲУҚУҚ ВА БУРЧ» РУКНИДА «ЭНГ ЯХШИ МАҚОЛА» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикасининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» ижросини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, шунингдек, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш борасида барча давлат идоралари, ҳуқуқшунос ва журналистлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни оширишга йўналтирилган мавзулар бўйича

«Ҳуқуқ ва бурч» рукнида «Энг яхши мақола» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловга жорий йилнинг 1 майидан 1 декабрига қадар матбуот нашрларида чоп этилган, жамият ривожи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, мамлакатимиздаги суд-ҳуқуқ, хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган ислоҳотларни, ўзбек қонунчилигининг тарихи, бугуни ва истиқболини акс эттирувчи мақолалар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган мақолага муаллифнинг исми-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши лозим.

Танловга тақдим этилган мақолалар журналистлар, Адлия вазирлиги масъул ходимлари ва жамоатчилик вакиллари орасидан танланган танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади.

Танлов Конституция куни арафасида якунланади ва ғолиблар матбуотда эълон қилинади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР БИЛАН ТАҚДИРЛАНАДИ:

1-ЎРИН — 200 МИНГ СЎМ;
2-ЎРИН — 100 МИНГ СЎМ;
3-ЎРИН — 2 ТА 50 МИНГ СЎМ.

Чоп этилган мақолалар Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармасида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 133-50-17, 133-12-91.
Манзил: Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, Адлия вазирлиги биноси.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР AVTODOM PLUS

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан копланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустаҳоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобиль билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий вакили орқали

МТЗ ТРАКТОРЛАРИ, МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., Братислава к., 11. Тел.: 151-20-33, 151-20-90, факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Тошкент давлат юридик институти жамоаси «Маънавият ва маърифат» бўлими услубчиси Феруза Хатамовага онаси **РАҲИМА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — М. Жониҳонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 23456